

**АКАДЕМИК В.ВОҲИДОВ НОМИДАГИ РЕСПУБЛИКА  
ИХТИСОСЛАШТИРИЛГАН ХИРУРГИЯ ИЛМИЙ-АМАЛИЙ  
ТИББИЁТ МАРКАЗИ ВА ТОШКЕНТ ТИББИЁТ АКАДЕМИЯСИ  
ХУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ  
DSc.27.06.2017.Tib.49.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

---

**РЕСПУБЛИКА ИХТИСОСЛАШТИРИЛГАН ПЕДИАТРИЯ ИЛМИЙ-  
АМАЛИЙ ТИББИЁТ МАРКАЗИ**

**ЮЛДАШЕВ РУСТАМ ЗАФАРДЖАНОВИЧ**

**БОЛАЛАРДА ЖИГАРДАН ТАШҚАРИ ПОРТАЛ  
ГИПЕРТЕНЗИЯСИДА ПОРТСИСТЕМ ШУНТЛАШДАГИ БУЙРАК  
ФЛЕБОГИПЕРТЕНЗИЯСИ**

**14.00.35 – Болалар хирургияси**

**ТИББИЁТ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)  
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

**ТОШКЕНТ – 2019**

**Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси автореферати мундарижаси**

**Оглавление автореферата диссертации доктора философии (PhD)**

**Contents of dissertation abstract of doctor philosophy (PhD)**

**Юлдашев Рустам Зафарджанович**

Болаларда жигардан ташқари портал гипертензиясида портосистем шунтлашдаги буйрак флебогипертензияси.....

3

**Юлдашев Рустам Зафарджанович**

Почечная флебогипертензия при портосистемном шунтировании у детей с внепеченочной портальной гипертензией.....

19

**Yuldashev Rustam Zafarjanovich**

Renal venous hypertension after portosystemic shunting in children with extrahepatic portal hypertension.....

35

**Эълон қилинган ишлар рўйхати**

Список опубликованных работ

List of published works.....

39

**АКАДЕМИК В.ВОҲИДОВ НОМИДАГИ РЕСПУБЛИКА  
ИХТИСОСЛАШТИРИЛГАН ХИРУРГИЯ ИЛМИЙ-АМАЛИЙ  
ТИББИЁТ МАРКАЗИ ВА ТОШКЕНТ ТИББИЁТ АКАДЕМИЯСИ  
ХУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ  
DSc.27.06.2017.Tib.49.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

---

**РЕСПУБЛИКА ИХТИСОСЛАШТИРИЛГАН ПЕДИАТРИЯ ИЛМИЙ-  
АМАЛИЙ ТИББИЁТ МАРКАЗИ**

**ЮЛДАШЕВ РУСТАМ ЗАФАРДЖАНОВИЧ**

**БОЛАЛАРДА ЖИГАРДАН ТАШҚАРИ ПОРТАЛ  
ГИПЕРТЕНЗИЯСИДА ПОРТСИСТЕМ ШУНТЛАШДАГИ БУЙРАК  
ФЛЕБОГИПЕРТЕНЗИЯСИ**

**14.00.35 – Болалар хирургияси**

**ТИББИЁТ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)  
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

**Тошкент – 2019**

**Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссияси №В2017.2.PhD/Tib233 рақами билан рўйхатга олинган.**

Диссертация Республика ихтисослаштирилган педиатрия илмий-амалий тиббиёт марказида бажарилган.

Диссертация автореферати икки тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме)) Илмий кенгаш веб-саҳифасида (ww.rscs.uz) ва «Ziyonet» ахборот-таълим порталида (www.ziyonet.uz) манзилларига жойлаштирилган.

**Илмий раҳбар:**

**Алиев Махмуд Муслимович**  
тиббиёт фанлари доктори, профессор

**Расмий оппонентлар:**

**Акилов Хабибулла Атауллаевич**  
тиббиёт фанлари доктори, профессор

**Ибадов Равшан Алиевич**  
тиббиёт фанлари доктори

**Етакчи ташкилот:**

**Россия Федерацияси соғлиқни сақлаш вазирлиги «Санкт-Петербург Давлат педиатрия тиббиёт университети» Федерал давлат бюджет олий таълим муассасаси**

Диссертация ҳимояси Академик В.Воҳидов номидаги Республика ихтисослаштирилган хирургия илмий-амалий тиббиёт маркази ва Тошкент тиббиёт академияси ҳузуридаги DSc.27.06.2017.Tib.49.01 рақамли Илмий кенгашнинг 2019 йил «\_\_» \_\_\_\_\_ куни соат 14<sup>00</sup> даги мажлисида бўлиб ўтади. (Манзил: 100115, Тошкент шаҳри Кичик ҳалқа йўли 10-уй. Тел.: (+99871) 277-69-10; факс: (+99871) 277-26-42; e-mail: cs.75@mail.ru, Академик В.Воҳидов номидаги Республика ихтисослаштирилган хирургия илмий-амалий тиббиёт маркази мажлислар зали).

Диссертация билан Академик В.Воҳидов номидаги Республика ихтисослаштирилган хирургия илмий-амалий тиббиёт маркази Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (66 рақам билан рўйхатга олинган). Манзил: 100115, Тошкент шаҳри Кичик ҳалқа йўли 10-уй. Тел.: (+99871) 277-69-10; факс: (+99871) 277-26-42.

Диссертация автореферати 2019 йил «\_\_» \_\_\_\_\_ куни тарқатилди.

(2019 йил «\_\_» \_\_\_\_\_ даги \_\_\_\_\_ рақамли реестр баённомаси).

**Ф.Г. Назиров**

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш раиси,  
тиббиёт фанлари доктори, профессор, академик

**А.Х. Бабаджанов**

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш  
илмий котиби, тиббиёт фанлари доктори

**А.В. Девятов**

Илмий даражалар берувчи  
илмий кенгаш қошидаги илмий семинар раиси,  
тиббиёт фанлари доктори, профессор

## КИРИШ (фалсафа доктори (PhD) диссертацияси аннотацияси)

**Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурияти.** Болалардаги ошқозон-ичак йўли юқори қисмларидан қон кетиш сабаблари орасида жигардан ташқари портал гипертензия (ЖТПГ) етакчи ўринни эгаллайди. Қизилўнгач ва ошқозон варикоз кенгайган веналаридан биринчи мартаба қон кетишида консерватив чора-тадбирлар ёрдамида самарали гемостазга 90% дан ортиқ ҳолларда эришиш мумкин. Қайталанган гастроэзофагеал қон кетишни консерватив усулда тўхтатишга қаратилган уринишлар мураккаб масала ҳисобланади. Қон кетиш хавфини бартараф этишнинг асосий усули – ЖТПГ ли болаларда портал вена ҳавзасида босимни пасайтиришга қаратилган портосистем шунтлаш (ПСШ) амалиётидир. Портал тизимидаги юқори босим қизилўнгач ва ошқозонда варикоз кенгайган томирларининг ривожланишига асос бўлиб хизмат қилади. Сунъий равишда яратилган қон томир анастомози (агар у адекват фаолият кўрсатса) портал ҳавзанинг оптимал декомпрессиясини таъминлайди ва қон кетиш хавфини бартараф этади. Адабиётлардаги маълумотларга кўра, «ПСШ 92-100% ҳолатларда қон кетишини назорат қилиш имконини беради ва самарадорлик нуқтаи назаридан портал гипертензияни (ПГ) даволашнинг бошқа усулларида сезиларли даражада устун туради»<sup>1</sup>. Лекин, шуни таъкидлаш лозим, «ПСШ дан кейин шунтнинг тромбози ёки торайиши билан бир қаторда, портосистем энцефалопатия, портал перфузиянинг пасайиши, фертиликнинг бузилиши билан ифодаланувчи буйрак ва фуникуляр флебогипертензия каби асоратларнинг ривожланиш хавфи пайдо бўлади»<sup>2</sup>.

Бугунги кунда жаҳон амалиётида хирургик гепатологияда ПГ нинг экстрагепатик шакли ривожланиш патогенезининг турли жиҳатларини ўрганиш мақсадида изланишлар олиб борилмоқда. Айниқса, нотўғри ривожланган дарвоза венаси тизимининг ангиоархитектоникасини хусусиятларини ўрганиш, шунингдек, ПГ нинг ривожланиш шароитида тизимли ва маҳаллий гемодинамик параметрларни ўрганишга алоҳида эътибор қаратилади. Аномал ривожланган дарвоза венасида маълум патофизиологик ўзгаришлар фақатгина касалликнинг асосий патологик кўрсатмаларини тушунтиради. Шу билан бирга, ЖТПГ билан боғлиқ патологик ҳолатлар, мураккаб қон томирларни шунтлаш амалиётларидан кейин ривожланадиган асоратлардан огоҳ бўлишга мажбур қилади. Асосий касалликни, ёндош аномалияларни ва қон томирлар ривожланиш нуқсонларини етарли даражада тушунилмаслик кўп ҳолатларда дарвоза ҳавзасида қон айланишининг жигардан ташқари тўсиғи бўлган болаларни даволашнинг мураккаб жараёнида хатоликка олиб келади.

Мамлакатимиз тиббиёти ривожланишининг ҳозирги даврида жигар касалликлари ташхиси ва даволаш натижаларини яхшилаш бўйича кўплаб

<sup>1</sup> Lautz TB, Keys LA, Melvin JC, et al. Advantages of the meso-Rex bypass compared with portosystemic shunts in the management of extrahepatic portal vein obstruction in children. J Am Coll Surg 2013;216:83–9.

<sup>2</sup> Разумовский А.Ю., Рачков В.Е. Хирургическое лечение портальной гипертензии у детей. М. Мед. информ. агентство. 2012. 178 с.

чора-тадбирлар амалга оширилмоқда. Бугунги кунда замонавий тиббиётнинг жигар қон томирлари касалликларида болаларни даволашдаги энг муҳим ютуқларидан бири нафақат дарвоза венаси тизими, балки бутун висцерал ҳавзани визуализация қилишнинг ноинвазив усуллари жорий қилишдир. Бу йўналишда, хусусан, ЖТПГ бўлган болалар диагностикаси ва даволаш сифатини оширишда ижобий натижаларга эришилган. Бу эса, дарвоза венаси тромбозининг тарқалишига ва қўшимча аномалияларга боғлиқ равишда маълум бир шунтлаш амалиёти учун беморларнинг аниқ танловига олиб келди. Шу билан бирга, тиббий хизмат кўрсатиш тизимини такомиллаштириш учун янги ташхислаш усуллари самарадорлигини баҳолаш учун илмий асосланган натижалар зарур. «2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналишлари бўйича ҳаракатлар стратегиясида аҳолининг заиф гуруҳларининг тўлақон ҳаёт кечиришини таъминлаш мақсадида тиббий-ижтимоий ёрдам тизимини ривожлантириш ва такомиллаштириш вазифалари белгиланган»<sup>3</sup>. Бу вазифаларни амалга ошириш, шу жумладан, ЖТПГ нинг хирургик даволаш натижаларини такомиллаштириш, индикаторларни оптималлаштириш ва ПСШ нинг тактик ва техник жиҳатларини такомиллаштириш долзарб йўналишлардан бири бўлиб ҳисобланади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 20 июндаги ПҚ-3071-сон «Ўзбекистон Республикаси аҳолисига 2017-2021 йилларда ихтисослаштирилган тиббий ёрдам кўрсатишни янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарори, Вазирлар Маҳкамасининг 2017 йил 10 майдаги ПҚ-266-сон «Жамият саломатлиги ва соғлиқни сақлашни ташкил этиш илмий-тадқиқот институти фаолияти тўғрисида»ги қарори ҳамда ушбу соҳада қабул қилинган бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишга ушбу диссертация тадқиқоти муайян даражада хизмат қилади.

**Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги.** Мазкур тадқиқот республика фан ва технологиялар ривожланишининг VI «Тиббиёт ва фармакология» устувор йўналишига мувофиқ бажарилган.

**Муаммонинг ўрганилганлик даражаси.** ПСШ болалардаги ЖТПГ нинг жарроҳлик усулида даволашнинг энг кенг тарқалган ва самарали усули ҳисобланади<sup>4</sup>. Сўнгги йилларда ЖТПГ ни даволашда болалар жарроҳлик амалиётида мезопортал шунтлаш амалиётлари янада кенг тарқалган<sup>5</sup>. Бирок, ушбу амалиётни 30-50% ҳолларда амалга ошириш мумкин. Мезокавал «Н» – симон шунтлашга келсак, дарвоза тизими қон оқимини умумий қон айланишига эрта тўлиқ қуйилиши ёки жигарнинг тўлиқ депортализацияси,

<sup>3</sup>Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида»ги ПФ-4947- сонли Фармони, ЎзР Қонун Ҳужжатлари тўплами 2017 йил.

<sup>4</sup> Рачков В.Е. Диагностика и хирургическое лечение портальной гипертензии у детей. Автореф. дис. ... докт. мед. наук. - М. – 2013. 47 с.

<sup>5</sup> Shneider BL, de Ville de Goyet J, Leung D, et al. Primary prophylaxis of variceal bleeding in children and the role of mesorex bypass – summary of the Bavenu VI Pediatric Satellite Symposium. Hepatology 2016; 63: 1368–1380.

шунингдек веноз кондуитнинг кўшимча ажратилиши ва анастомознинг кўп учрайдиган тромбози амалиёт техникасининг мураккаблиги кўшимча камчиликларидан ҳисобланади. Замонавий босқичда ПСШ нинг кўп сонли вариантлари орасида дарвоза босимини ва қизилўнғач-ошқозондан қон кетиш хавфини самарали пасайтирувчи спленоренал анастомоз (CPA) афзал ҳисобланади<sup>6</sup>. CPA амалиётларининг ижобий натижалари юқори бўлишига қарамасдан, унинг буйрак гемодинамикасига таъсири мунозаралидир. Шундай қилиб, баъзи маълумотларга кўра, учма-уч типиди CPA ни амалга ошириш портал тизимидан кавал тизимгача буйрак фаолиятини бузмасдан дарвоза тизимидан кавал тизимига веноз оқимни таъминлайди<sup>7</sup>; бошқа маълумотларга кўра, чап буйрак венаси (ЧБВ) орқали қон оқимининг қийинлашиши нафақат флебогипертензион нефропатияга олиб келади, балки кўйилган анастомознинг функционал етишмовчилиги ва ПСШ ёмон натижаларига сабаб бўлади<sup>8</sup>.

Буйрак флебогипертензияси ривожланиши билан кечадиган оғир ҳолатларида буйрак тўқималарининг шиши, артериовеноз шунтлар каби асоратлар, буйрак гипоксияга олиб келиши кузатилади. Бошқа томондан, ЧБВ дан қон оқими қиз болаларда веналарда рефлюкс ва кичик чанокда варикоз, ўғил болаларда варикоцеле ривожланишига олиб келади, бу эса ўз навбатида, 20-83% ҳолатларда фертиликнинг бузилишига сабаб бўлади<sup>9</sup>. ЖТПГ ли болаларни кўп йиллик даволаш тажрибаси шунни кўрсатадики, ПСШ амалиётини режалаштиришда нафақат гепатолиенал соҳани, балки ренокавал сегментни тўлиқ визуализация қилишни талаб этади, бу эса амалиётдан кейинги буйрак веноз гипертензияси ривожланиши билан боғлиқ. Бу ҳолат ЧБВ нинг тузилиш ва жойлашуви аномалиялари частотаси (20% гача), шунингдек унинг ичидаги қон оқими бузилиши анатомик шароитлар мавжудлиги билан боғлиқ. Бундай мослашувчанликнинг клиник белгилари ЧБВ нинг “nutcracker” (аортomezентериал) синдроми<sup>10</sup>, ретроортал жойлашуви билан боғлиқ.

Адабиётлар таҳлили шунни кўрсатадики, болаларда ЖТПГ даволаш-диагностика тактикасини ҳозирги даврида энг долзарб ва охиригача ҳал этилмаган муаммолардан бири эканлигини кўрсатади, хусусан, буйраклар артериал ва веноз гемодинамика ҳолатини, портал декомпрессиянинг буйрак қон оқимига таъсирини баҳолаш мунозарали бўлиб қолмоқда, болалардаги ЖТПГ нинг буйракдаги артериал ва веноз қон оқимидаги ўзгаришлар мавжудлиги ҳақида маълумот йўқ. Шунинг учун, ЖТПГ билан касалланган

<sup>6</sup> Назыров Ф.Г., Девятов А.В., Байбеков И.М., Бабаджанов А.Х., Султанов С.А. Спленосупраренальный анастомоз в хирургии портальной гипертензии // *Анналы хирургической гепатологии*. – Москва, 2012. -Т.17. - №1. -С. 45-52.

<sup>7</sup> Лесовик В.С. Анатомо-экспериментальное обоснование микрохирургических каркасных конце-концевых спленоренальных анастомозов при портальной гипертензии // *Дисс... канд. мед. наук*. – М., 2007.

<sup>8</sup> Yih N.D., Chyen L.H., Cunli Y. et al. Renosplenic Shunting in the Nutcracker Phenomenon: A Discussion and Paradigm Shift in Options? A Novel Approach to Treating Nutcracker Syndrome *Int J Angiol*. 2014 Mar; 23(1): 71–76.

<sup>9</sup> Страхов С.Н. Почечная флебогипертензия при варикоцеле у детей и подростков // *Урология*. 2006. №6.- С. 90-93.

<sup>10</sup> Ananthan K., Oniba S., Davies A.H. Nutcracker syndrome: an update on current diagnostic criteria and management guidelines. *Eur J Vasc Endovasc Surg* (2017) 53, 886-894.

болалардаги буйрак қон томир ҳавзасида қон айланишидаги ўзгаришлар бундай амалиётлар самарасини ўрганиш ўринлидир.

**Диссертация тадқиқотнинг диссертация бажарилган илмий-тадқиқот муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги.** Диссертация тадқиқоти Республика ихтисослашган педиатрия илмий-амалий тиббиёт маркази илмий-тадқиқот ишларининг «Болаларда портал гипертензиясини ташхислаш ва портосистем шунтлаш усулини танлашни такомиллаштириш» мавзусидаги АДСС-15.1.6 илмий-амалий тадқиқотлари доирасида бажарилган (2015-2017йй.).

**Тадқиқотнинг мақсади** жигардан ташқари портал гипертензияси мавжуд болаларда портосистем шунтлаш амалиётидан олдин ва ундан кейин буйрак гемодинамикаси хусусиятларини ўрганиш ва унинг бузилиши олдини олиш ва даволаш усулларини ишлаб чиқишдан иборат.

**Тадқиқот вазифалари:**

портосистем шунтлаш амалиётидан олдин портал гипертензияси бўлган болаларда буйрак гемодинамикаси ҳолати ва ренокавал сегментнинг тузилишини ўрганиш;

жигардан ташқари портал гипертензияси ва ренокавал сегментнинг аномалияси бўлган болаларда шунтлаш амалиётидан кейин буйрак гемодинамикаси ҳолатини ўрганиш;

болаларда портосистем шунтлаш амалиётидан кейин буйрак веноз гипертензияси шаклланиши сабаблари ва механизмларини аниқлаш;

буйрак венаси гипертензияси ривожланиш хавфини камайтиришга қаратилган чора-тадбирларни ишлаб чиқиш.

**Тадқиқотнинг объекти** сифатида 2003-2017 йиллар мобайнида Тошкент педиатрия тиббиёт институти ва Республика ихтисослаштирилган педиатрия илмий-амалий тиббиёт маркази клиникаларида текширилган ва даволанган 1 ёшдан 18 ёшгача бўлган жигардан ташқари портал гипертензияси бўлган 206 нафар болалар хизмат қилган.

**Тадқиқотнинг предмети** бўлиб гепатолиенал ва буйрак қон айланишининг анатомик ва гемодинамик ўзгариши, мураккаб жарроҳлик ва терапевтик даволаш ва амалиётдан кейинги даврда хавфли асоратлар ривожланишининг олдини олиш ҳисобланади.

**Тадқиқотнинг усуллари.** Тадқиқотнинг мақсадига эришиш ва қўйилган вазифаларни ечиш учун ушбу усуллардан фойдаланилди: умумий клиник, инструментал (ультратовуш, эндоскопик, ангиографик, радиоизотоп усуллар) ва статистик текширув усуллари қўлланилган.

**Тадқиқотнинг илмий янгилиги:**

жигардан ташқари портал гипертензияси бўлган болаларда ренокавал сегмент ва қон томирларининг ривожланиш аномалиялари частотаси аниқланган ҳамда уларнинг характери ва анатом-функционал хусусиятлари очиқ берилган;

регионар ангиоархитектоника ва гемодинамиканинг ўзига хос хусусиятларини ҳисобга олган ҳолда болаларда жигардан ташқари портал

гипертензияда табиий коллатерал портокавал шунтларнинг функционал самарадорлигини баҳолашнинг батафсил клиник ва инструментал мезонлари ишлаб чиқилган;

портосистем шунтлаш амалиётидан кейин жигардан ташқари портал гипертензияси бўлган болаларда буйраклар артериал ва веноз қон айланишида гемодинамик ўзгаришлар аниқланган;

жигардан ташқари портал гипертензия ва ренокавал сегментдаги аномалиялари бўлган болаларда ренокавал сегмент томирларининг гемодинамик ва ангиографик хусусиятларига портал декомпрессиясининг таъсири аниқланган.

**Тадқиқотнинг амалий натижалари** қуйидагилардан иборат:

жигардан ташқари портал гипертензияси бўлган болаларда ренокавал сегмент ва буйрак қон томирлари ёндош патологиясини аниқлаш усуллари такомиллаштирилган;

ренокавал сегмент ва буйрак томирларининг ёндош аномалияси бўлган болаларда мезокавал ва мезопортал шунтлаш амалиёти бажарилишининг мақсадга мувофиқлиги исботланган;

динамик кузатув баённомасини оптималлаштириш имконини берувчи ренокавал сегмент ва буйрак қон томирлари аномалияси бўлмаган болаларда спленоренал шунтлаш амалиётидан сўнг буйрак флебогипертензия ривожланишининг хусусиятлари аниқланган;

портал тизимга боғлиқ қон кетишининг такрорланиш частотаси, анастомозларнинг тромбози ва буйрак флебогипертензияси, шунингдек қиз болаларда кичик чанок бўшлиғи веналари варикози ва ўғил болаларда варикоцеле ривожланишини аниқлашда тавсия қилинган тактика самарадорлиги баҳоланган;

жигардан ташқари портал гипертензияси бўлган болаларда портосистем шунтлаш амалиётидан кейин буйрак флебогипертензияси ривожланишининг асосий патогенетик жиҳатлари очиқ берилган.

**Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги.** Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги замонавий, кенг қўлланиладиган клиник, ультратовуш, доплерографик, ангиографик ташхислаш ва статистик усулларни қўллаб тасдиқланган. Барча олинган натижалар ва хулосалар далиллий тиббиёт тамойилларига асосланган. Статистик ишлов натижаларининг ишонччилигини тасдиқлаган.

**Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти.** Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти шунинг билан аниқланадики, олинган хулосалар ва таклифлар ЖТПГли болаларни замонавий ташхислаш ва жарроҳлик усулида бартараф этишда сезиларли муҳим хисса қўшади. ЖТПГ бўлган болаларда ренокавал ва буйрак қон томирлари қўшма аномалияларининг хусусиятлари ва частотаси аниқланган ҳамда уларни текшириш учун ноинвазив усуллар таклиф қилинган. Шунтлаш амалиётларининг ренокавал сегмент ва буйрак қон томирларида гемодинамик кўрсаткичларига таъсири ўрганилган. Тадқиқотнинг айрим натижалари ЖТПГ

нинг патогенези, клиникаси, диагностикаси ва жарроҳлик даволаш усулларига бағишланган мавзулар бўйича магистр, клиник ординатор ва курсантларни ўқитиш дастурининг таркиби ва структурасини такомиллаштириш имконини берган.

Тадқиқотнинг амалий аҳамияти шунинг билан аниқланадики, болаларда ЖТПГсини даволашда таклиф этилган тактиканинг қўлланилиши буйрак гемодинамикасини баҳолаш, қизилўнгач ва ошқозон варикоз кенгайган томирларидан қон кетиш частотасини, спленоренал шунтлар тромбози ва буйрак веноз гипертензияси, шунингдек, қизлар кичик чаноқ веналарининг варикоз кенгайиши ва ўғил болаларда варикоцеле ривожланиш хавфини камайтириш имконини берган.

**Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши.** Жигардан ташқари портал гипертензияси бўлган болаларни диагностикаси ва хирургик даволашни яхшилашга қаратилган илмий тадқиқотлар натижалари асосида:

«Ёндош ренокавал сегмент ва буйрак аномалияси бўлган жигардан ташқари портал гипертензияли болаларни ташхислаш ва даволаш» услубий тавсияномаси тасдиқланган (Соғлиқни сақлаш вазирлигининг 2018 йил 15 майдаги 8н-д/102-сон маълумотномаси). Тавсиялар жигардан ташқари портал гипертензия диагностикасининг сифатини ва унинг аномалияларини яхшилаш, буйрак флебогипертензияси ривожланиш хавфи бўлган беморларни аниқлаш, амалиётлардан кейинги асоратларни камайтириш имконини берган;

жигардан ташқари портал гипертензияси бўлган болаларни диагностикаси ва хирургик даволашни яхшилашга қаратилган тадқиқот бўйича олинган илмий натижалар соғлиқни сақлаш амалий фаолиятига, хусусан, Республика ихтисослаштирилган педиатрия илмий-амалий тиббиёт маркази, Фарғона ва Андижон вилоят кўп тармоқли болалар тиббиёт марказлари амалий фаолиятига (Соғлиқни сақлаш вазирлигининг 2018 йил 15 майдаги 8н-д/102-сон маълумотномаси) татбиқ этилган. Жигардан ташқари портал гипертензияси бўлган болаларни текшириш ва даволаш бўйича таклиф этилган тактика 19,5% ҳолларда буйрак сегменти ва буйрак қон томирлари билан боғлиқ аномалияларни аниқлаш, қизилўнгач ва ошқозон варикоз кенгайган томирларидан қон кетиши хавфини 18,6%дан 4,2%гача камайтириш ва анастомоз тромбози частотасини 17,3%дан 2,8%гача камайтириш имконини берган.

**Тадқиқот натижаларининг апробацияси.** Тадқиқот натижалари 6 та анжуманларда, шу жумладан, 3 та халқаро ва 3 та республика илмий-амалий конференцияларда муҳокамадан ўтказилган.

**Тадқиқот натижаларининг эълон қилиниши.** Диссертация мавзуси бўйича жами 29 та илмий иш чоп этилган, шу жумладан, 7 та мақола, улардан 3 таси республика ва 4 таси хорижий журналларда, барчаси Ўзбекистон Республикаси ОАК докторлик диссертацияларининг асосий илмий натижаларини эълон қилиш учун тавсия этган илмий нашрларда чоп этилган.

**Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми.** Диссертация таркиби кириш, тўртта боб, хулосалар, фойдаланилган адабиётлар рўйхатидан ташкил топган. Диссертациянинг ҳажми 110 бетни ташкил этади.

## ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

**Кириш** қисмида диссертация ишининг долзарблиги ва зарурати асосланган, изланишнинг мақсад ва вазифалари шакллантирилган, тадқиқотнинг илмий янгилиги ва олинган натижаларнинг илмий ва амалий аҳамияти очиб берилган, тадқиқот натижаларини муҳокамадан ўтказиш ва нашр этиш, диссертациянинг ҳажми ва тузилиши бўйича маълумотлар келтирилган.

Диссертациянинг «**Буйрак флебогипертензиясининг механизмлари**» деб номланган биринчи бобида адабиётлардаги маълумотлар шарҳи баён этилган бўлиб, унда портал гипертензия ва нормал муҳитда кузатиладиган мураккаб гепаторенал муносабатлар ёритилган. Бу боб шунингдек буйрак флебогипертензиясининг этиопатогенез жиҳатлари, таснифи, ташхисоти ва хирургик коррекциясига бағишланган. Даволаш тактикаси танлаш ва келгусида ривожланишни талаб қилувчи баҳсли масалалар келтирилган

Диссертациянинг «**Клиник материал ва текширув усуллари тавсифи**», деб номланган иккинчи бобида материал ва текширув усуллари тасвирланган. Тадқиқот Республика ихтисослаштирилган педиатрия илмий-амалий тиббиёт марказининг болалар хирургияси бўлим ва Тошкент педиатрия тиббиёт институти болалар факультет хирургияси кафедрасининг базасида жигардан ташқари портал гипертензия ташхиси билан кузатилган 206 нафар болани ташхислаш ва даволаш натижаларининг таҳлилига асосланган. Беморларнинг ўрта ёши -  $8,23 \pm 0,25$ . 2003-2017 йилларда ўтказилган 195 портосистем шунтлаш операция натижаларининг бевосита ва узоқ муддатли натижалари таҳлил қилинган. Операциялар орасида спленоренал шунтлаш кўпроқ бажарилган - 58.9%.

Таҳлилга кўра ЖТПГ бемор болалар орасида ўғил:қиз нисбатида фарқ кузатилмаган. Беморлар кўпинча (42.2%) 3-7 ёш оралиғида касалхонага мурожаат қилган. 189 (89%) нафар беморнинг ўрта-оғир ҳолатда муржаат қилган бўлса, 23та (11%) беморнинг ҳолати эса, массив гастроэзофагеал геморрагиялар ҳисобига, оғир ҳолат деб баҳоланган.

Барча беморларга комплекс текширувлар ўтказилган, шулар жумласига қоннинг клиник таҳлили, коагулограмма, биохимик таҳлил, фиброэзофагогастроуденоскопия (ФЭГДС), УТТ қон томирларнинг доплерографик текшируви ва қорин аортасининг 3 фазали МСКТ/МРТ ангиографиясидир. Шундай текширувлар беморларга оператив муолажалар ўтказилгандан сўнг (МСКТ/МРТ ангиографиядан мустасно) 6-7 куни, 6 ой - 1 йил ва узоқ муддатларда ҳам қайта ўтказилган.

ФЭГДС Pentax EG 1870 K (d=6.0 и 9.0 мм) (Япония) аппаратида бажарилган. Бунда қизилўнгачнинг ва ошқозоннинг шиллиқ қаватларига баҳо берилган, у ердаги флебэктазияларнинг ўлчами, давомийлиги, ранги,

таранглиги ва варикоз тугунларининг мавжудлиги эътиборга олинган. Ошқозондаги варикоз томирларни баҳолашда Sarin S.K<sup>11</sup> тамонидан таклиф қилинган таснифга асосан баҳо берилган ва бунда уларнинг ошқозондаги жойлашган жойи ва қизилўнгачдаги веналар билан боғлиқлиги баҳоланган.

Дарвоза венасининг ҳамда ренокавал сегмент қон томирларининг ҳолати операциядан олдин ва турли катамнез даврларда УТТ ангиосканлаш ва қон оқимини рангли Допплер усулида бажарилган. Ушбу текширув Philips AcuVue 550 (Голландия), Toshiba Aplio 500 (Япония) аппаратларида 3.5-10 MHz частотали чизиқли ва конвекс датчикларида бажарилган. В – режимда ПГ нинг аломатларини аниқлаш ва уларни дифференциал ташхисоти олиб борилган. Дуплекс сканерлаш орқали эса гепатопанкреатобилиар, гепатолиенал ва ренокавал сегментлардаги қон томирлар кўрилган.

Қорин бўшлиғининг МСКТ текшируви ва 3фазадаги (натив, артериал ва портал-веноз) контрастли текшируви Brilliance i-CT 256 Philips (Голландия) аппаратида ўтказилган. Контраст модда сифатида Юнигексол-350 дан фойдаланилган. Ангиографик текширувда гепатолиенал сохадаги қон томирларнинг ўзгариши, уларнинг диаметри, жигар ва талокнинг ўлчамлари, асцитнинг мавжудлиги, унинг миқдори, табиий портосистем шунтларининг мавжудлиги, қизилўнгач ва ошқозондаги варикоз веналарнинг мавжудлиги баҳоланади. Ренокавал сегментда аортomezентериал сегмент бурчаги, унинг структураси ва буйрак томирларининг ўлчамлари ва топографияси ўрганилган.

Қорин бўшлиғининг ва аортанинг МРТ ангиографик текшируви PHILIPS ACHIEVA TX 3-Tesla (Голландия) аппаратида бажарилган. Текширув в/и «Магнилек» контраст моддаси билан артериал ва портал фазаларда амалга оширилган. Текширув ҳажми МСКТ текшируви билан бир хил.

УТТ ва МСКТ ёки МРТ текшируларида ренокавал сегмент қон томирларининг нуқсонларига гумон бўлган ҳолатларда буйракларнинг ренографик текшируви ўтказилган.

Олинган натижаларга асосланган ҳолда беморлар икки гуруҳда тахлил қилинди: ренокавал сегмент қон томирларида ва буйракларда туғма аномалияси ва ортирилган ўзгариши бўлган ва бўлмаган беморлар.

Тадқиқо натижаларига «MS Office» компьютер дастур пакети ёрдамида статистик ишлов берилди. Ўртача катталиқ (М-ўртача арифметик қиймат), ўртача (m) стандарт хато ва ўртача квадрат (стандарт) оғиш ( $\sigma$ ) қийматлари аниқланди. Фарқларнинг ишончлилигини t –ишонч коэффиценти (Стьюдент мезони) ёрдамида баҳоланди

**Диссертациянинг «Жигардан ташқари портал гипертензиядаги висцерал ва буйраклар гемодинамикасининг клиник кўриниши ва инструментал характеристикаси», деб номланган учинчи бобида 169 нафар ЖТПГ билан хасталанган бемор болаларнинг нуқсонли ривожланган дарвоза венаси тизими ва ренокавал сегментдаги томирларнинг гемодинамик УТТ**

---

<sup>11</sup> Sarin SK, Lahoti D, Saxena SP, et al. Prevalence, classification and natural history of gastric varices: a long-term follow-up study in 568 portal hypertension patients. Hepatology 1992; 16: 1343–1349.

доплерографик кўрсаткичлари, шунингдек МСКТ/МРТ ангиографик кўринишларининг таҳлили келтирилган.

ЖТПГли ва назорат гурихидаги беморларнинг буйрак артериялари доплерографик резистив кўрсаткичларининг (PI ва RI) қиёсий таҳлилида фарқ аниқланмади. Бироқ уларнинг МСКТ/МРТ ангиографик текширувларини таҳлилида 33 (19,5%) нафар болаларда буйраклар ва ренокавал сегмент томирларда турли хил аномалиялар аниқланди (1-расм).



**1-расм. 169 нафар ЖТПГ бемор болаларда аниқланган буйраклар ва ренокавал сегмент томирларининг аномалиялар частотаси**

Ангиографик текширув қилиган беморларнинг ўртача  $8.78 \pm 0,46$  ёшда бўлган. ЖТПГли болаларда ёндош бўлган ренокавал сегментининг қон томир аномалиялари орасида энг кўп холларда олдинги “nutcracker” синдроми кузатилган. Бунда аортомезентераил бурчак ўртача  $28.54 \pm 1,4^0$ ,  $p < 0.01$  бўлган. Аортомезентериал бурчакнинг меёридан кичик бўлиши чап буйрак венаси ва унинг тармоқларининг ангиографик хусусиятларини ўзгаришларини юзага келтирди (1- жадвал).

**1-жадвал**

**ЖТПГли болаларда АМС бурчагини пасайишидаги ЧБВ ва унинг тармоқларининг диаметрини пасайиши**

| МСКТ ангиограмманинг параметрлари | Умумий гуруҳ     | 36 <sup>0</sup> дан паст бўлган АМС бурчаги | Р     |
|-----------------------------------|------------------|---|-------|
| n                                 | 97               | 15  |       |
| АМС бурчаги (°)                   | $60.41 \pm 1.69$ | $28.54 \pm 1,4$                             | 0.000 |
| ЧБВ АМС даги диаметри (мм)        | $4.04 \pm 0.16$  | $3.72 \pm 0.32$                             | 0.461 |
| ЧБВ АМС гача диаметри (мм)        | $8.29 \pm 0.28$  | $9.75 \pm 0.59$                             | 0.05  |
| Буйрак усти венаси (мм)           | $6.9 \pm 0.33$   | $6.68 \pm 0.74$                             | 0.806 |

Изоҳ: АМС – аортомезентериал сегмент, ЧБВ – чап буйрак венаси

Таҳлилга асосан бурчак ўлчами меёридан паст бўлганда, буйрак усти беги венасининг кенгайиши ва ЧБВ диаметрини АМС да ишонарли ( $p \leq 0.05$ ) торайиши кузатилади. Лекин бундай ўзгаришларнинг мавжудлигига қарамасдан бу беморларда клиник аломатлар, яъни бел соҳасидаги оғриқ, микро-, макрогематурия, варикоцеле ва овариоцеле каби ҳолатлар ПСШ операциясидан олдинги даврда кузатилмаган. Бундай ҳолатни юзага келиши “nutcracker” синдромининг клиник белгилари одам ҳаётининг иккинчи ва учинчи декадасида кўпроқ намоён бўлиши билан тушунтирса бўлади.

Ренокавал сегмент томирларининг аномалиялари бўлган беморларга радиоизотоп ренографик текширувлар қилинганда, иккала буйракларнинг радиофарм воситаларини максимал тўпланиш даврининг узайиши кузатилади (2- жадвал).

**2-жадвал**


**РКС аномалиялари бор беморларнинг радиоизотоп ренография**

| Кўрсаткич | Tmax<br>(3-6 дақ) | Thalf<br>(21 дақ) | Буйраклар<br>плазма оқими<br>(400-700<br>мл/мин/м <sup>2</sup> ) | Нисбий<br>функционал<br>қатнашиш<br>(45-55%) |
|-----------|-------------------|-------------------|--|--|
| ЧБ        | 8.72±1.6          | 15±1.61           | 278.8±37.8   | 49.8±0.71                                    |
| ЎБ        | 11.31±2.72        | 16.2±2.39         | 281.05±38.8  | 50.1±0.71                                    |
| p         | 0.424             | 0.683             | 0.967  | 0.771  |


Изоҳ: ЧБ- чап буйрак, ЎБ – ўнг буйрак, Tmax –максимал тўпланиш вақти, Thalf- ярим ажралиш вақти

Ангиографик текшируларда юқорида қайд этилган аномалиялардан ташқари ЖТПГ 50 (44,6%) нафар беморларда турли хилдаги табиий портосистем шунтлар аниқланди. Қизиқарли тарафи шундаки, уларнинг 10 (8.9%) нафарида бу шунтлар, буйрак томирларининг аномалияларидан фарқли ўлароқ, чап тарафлама буйрак флебогипертензиясининг аломатлари аниқланди (2- ва 3- расм).


Бу гуруҳдаги беморларда буйрак флебогипертензияси кўпроқ ҳолларда (80%) қиз болаларда кузатилган. Улар ўртача 12,4 ёшда бўлган. Анамнезига асосан 4 (40%) беморда варикоз томирлардан қон кетиш кузатилган. Буйрак флебогипертензиясининг асосий клиник кўринишлари бу бел соҳасидаги оғриқ, кичик чаноқ соҳасида варикоз томирларни пайдо бўлиши ҳисобланади.



**2- расм. Контрастли МСКТ йирик табиий спленоренал шунтли ЖТПГ бемор бола. ЧБВ аортомезентериал сегментгача бўлган қисми кенгайиши аниқланади. ЮЧА – юқори чарви артерия, ЧБВ – чап буйрак венаси, ПКВ- пастки кавак вена, ЧБ- чап буйрак.**




ЧБВ дарвоза соҳасида максималъ ва минималъ тезликлар градиенти  $\Delta V=24$  см/с (нормада 15 см/с ошмайди)



Чап буйрак артериясининг резистив индекслари  $PI=1,65$  (норма  $PI=1,3$ )  $RI=0,75$  (норма  $RI=0,7$ )

**3-расм. Йирик табиий спленоренал шунтли бемор болада чап буйрак венасининг ва артериясининг доплерограммаси**

Диссертациянинг «Ренокавал сегмент томирлари ва буйрак ривожланиш нуқсонлари бўлган болаларда портосистем шунтлаш операцияларининг натижалари» деб номланган тўртинчи бобида 2003-2017 йиллар оралиғида ЖТПГли бемор болаларда бажарилган 195 портосистем шунтлаш операцияларининг натижаларининг таҳлили келтирилган (4-расм). Портосистем шунтлаш операциялари орасида кўпроқ (58,9%) ҳолатларда спленоренал шунтлаш операциялари бажарилган. Қизилўнғач ва ошқозон варикоз томирлари ва улардан қон кетиш хавфини бартараф этиш бўйича ПСШ операцияларининг умумий самарадорлиги 91% ташкил этди.



(АШ – атипик шунтлаш, ДСРА – дистал спленоренал анастомоз, ИМА – илюкомезентериал анастомоз, МКА – мезентерикокавал анастомоз, ПСРА- проксимал спленоренал анастомоз, СРА – спленоренал анастомоз)

#### **4-расм. ТошПТИ клиникаси ва РИПИАТМ болалар хирургия бўлимларида 2003-2017 йиллар оралиғида бажарилган портосистем шунтлаш операциялари**

Ренокавал сегментдаги қон томир ва буйраклар аномалияларининг портосистем шунтлаш операцияларидан кейин ривожланувчи асоратлар (шунт тромбози, буйрак флебогипертензияси) га боғлиқлигини ўрганиш мақсадида беморлар икки гуруҳда таҳлил қилинишди. Булар ренокавал сегмент қон томирлари ва буйраклар аномалиялари бўлган ва бўлмаган беморлар.

Юқорида қайд этилганидек, 33 нафар беморда ренокавал сегмент қон томирлари ва буйракларнинг турли хилдаги аномалиялари аниқланган. Шулардан 23 тасига портосистем шунтлаш операциялари бажарилган. 10 нафарида болада шунтлаш операциясини ўтказиш учун томирларнинг диаметрини кичиклиги, йирик табиий портосистем йўллارнинг мавжудлиги ва бу оқибатида қизилўнгач ва ошқозонда варикоз веналаридан қон кетиш хавфи бўлмаганлиги, туфайли оператив муолажалар бажарилмаган (5-расм).

Шуни такидлаш жоизки, олдинги “nutcracker” синдроми бор бўлган беморларга ПСШ операцияларининг фақат 5 таси спленоренал шунтлаш операциялари бўлган. Шунда битта беморда операциядан кейинги даврда шунт тромбози аниқланган, бироқ бу ҳолат аномалиянинг мавжудлиги билан эмас, балки дарвоза венасининг тизимидаги тарқалган тромбознинг ҳолати билан боғлиқлиги аниқланди. Бу каби аномалиянинг буйрак гемодинамикага таъсирини ўрганилганда, икки нафар беморда ПСРА операциясидан кейин буйраклар флебогипертензияси аниқланган, ва у иккита беморда макро- ва микрогематурия кўринишида бўлса, битта беморда овариоцеле шаклида намоён бўлган.



**5-расм. Чап буйрак венасининг аномалиялари, “nutcracker” синдроми ва буйрак ривожланиш нуқсони бўлган болалардаги ПСШ операция натижалари**

ЧБВ аномалиялари бор 12 беморнинг 7 нафарида операциядан кейинги даврда тромбоз аниқланган, шунда кўпинча (n=6) бу халқасимон чап буйрак венаси эди. Таҳлилга кўра, 7 та беморнинг 4 (57%) нафарида шунтлаш операцияси (ПСРА, ДСРА) бевосита аномал ривожланган ЧБВ билан амлага оширилган. Бу беморларни операцияга таёрлаш даврида асосий текширув усули спленопортография бўлган. Маълумки бу текширув маҳалида фақат спленопортал томирлар кўрилиб, ренокавал сегментдаги томирлар баҳоланмаган. ЧБВ аномалиялари бор беморларнинг, айнан халқасимон ЧБВсида 40% операциянинг ижобий натижалари аниқланган. Уларнинг ультратовуш, ангиографик текширувларида спленоренал шунтнинг коникарли фаолияти тасдиқланган.

Буйракларда ва ренокавал сегмент қон томирларида ёндош аномалиялар бўлмаган ҳолатда ҳам операциядан кейинги даврда буйрак флебогипертензияси ривожланган. Бу ҳолат спленоренал шунтлар орасида кўпинча -21,4% ДСРА операциясидан кейин кузатилган бўлса, умуман ПСШ операциялари орасида ИМА операциясидан кейин энг кўп ҳолатларда (28,6%) кузатилган. ИМА операцисидан кейин ривожланувчи буйрак флебогипертензияси мезентериал бассейндаги қон оқимини ёнбош веналарга бевосита таъсири билан боғлиқ бўлмай, балки кичик чаноқ бўшлиғи аъзоларидан ва оёқлардан келувчи умумий ёнбош веналарни шунтлаш маҳалидаги ажратилиши билан боғлиқ.

**ХУЛОСА**

1. Жигардан ташқари портал гипертензияли бемор болаларда 19,5% ҳолатларда буйраклар ва ренокавал сегментнинг қон томир аномалиялари учрайди, булар: халқасимон чап буйрак венаси (5,9%), ретроортал чап буйрак венаси (1,8%), чап буйрак венасининг экстракавал уланиши (0,6%),

“nutcracker” синдроми (8,9%), буйраклар миқдор ва структура аномалиялари (2,3%);

2. Жигардан ташқари портал гипертензияли бемор болаларда 44,6% ҳолатларда табиий спленоренал шунтлар учраб, улар 8,9% ҳолатларда буйрак флебогипертензиясига сабаб бўлади;

3. Ренокавал сегмент томирларида ва буйракларнинг аномалиялари бўлмаган ҳолатда, ПСШ операцияларидан кейинги даврда буйрак флебогипертензия аломатлари энг кам проксимал спленоренал (6,7%) ва «ёнма-ён» спленоренал шунтлаш операциясидан сўнг (8,3%) кузатилади. Кўпроқ илиакомезентериал (28,5%) ва дистал спленоренал шунтлаш операциясидан кейин кузатилди (21,4%);

4. Ренокавал сегментнинг аномалияларини мавжудлиги спленоренал шунтлаш операциясига бевосита қарши кўрсатма ҳисобланиб, шунт тромбози аномалиянинг турига тўғри мутаносибликдадир;

5. Ренокавал сегмент ва буйраклар аномалияларининг мавжудлиги жигардан ташқари портал гипертензияли болаларда мезокавал ва мезопортал шунтлаш операцияларини бажаришга кўрсатма бўлиб ҳисобланади;

6. Спленоренал шунтлашда чап буйрак венасини тўлиқ кесиб уланиши ва илиакомезентериал анастомозларнинг бажарилиши нафақат кичик чаноқ аъзоларининг флебогипертензияси ёки буйрак веноз гипертензиясига олиб келади, улар оқибатида репродуктив фаолият ҳам бузилади.

**НАУЧНЫЙ СОВЕТ DSc.27.06.2017.Tib.49.01 ПРИ  
РЕСПУБЛИКАНСКОМ СПЕЦИАЛИЗИРОВАННОМ НАУЧНО-  
ПРАКТИЧЕСКОМ МЕДИЦИНСКОМ ЦЕНТРЕ ХИРУРГИИ ИМЕНИ  
АКАДЕМИКА В.ВАХИДОВА И ТАШКЕНТСКОЙ МЕДИЦИНСКОЙ  
АКАДЕМИИ ПО ПРИСУЖДЕНИЮ УЧЕНЫХ СТЕПЕНЕЙ**

---

**РЕСПУБЛИКАНСКИЙ СПЕЦИАЛИЗИРОВАННЫЙ НАУЧНО-  
ПРАКТИЧЕСКИЙ МЕДИЦИНСКИЙ ЦЕНТР ПЕДИАТРИИ**

**ЮЛДАШЕВ РУСТАМ ЗАФАРДЖАНОВИЧ**

**ПОЧЕЧНАЯ ФЛЕБОГИПЕРТЕНЗИЯ ПРИ ПОРТОСИСТЕМНОМ  
ШУНТИРОВАНИИ У ДЕТЕЙ С ВНЕПЕЧЕНОЧНОЙ ПОРТАЛЬНОЙ  
ГИПЕРТЕНЗИЕЙ**

**14.00.35 – Детская хирургия**

**АВТОРЕФЕРАТ ДИССЕРТАЦИИ ДОКТОРА ФИЛОСОФИИ (PhD)  
ПО МЕДИЦИНСКИМ НАУКАМ**

**ТАШКЕНТ – 2019**

**Тема диссертации доктора философии (PhD) по медицинским наукам зарегистрирована в Высшей аттестационной комиссии при Кабинете Министров Республики Узбекистан за В2017.2.PhD/Tib233.**

Диссертация выполнена в Республиканском специализированном научно-практическом медицинском центре педиатрии.

Автореферат диссертации на двух языках (узбекский, русский, английский (резюме)) размещен на веб-странице Научного совета ([www.rscs.uz](http://www.rscs.uz)) и Информационно-образовательном портале «Ziyonet» ([www.ziyonet.uz](http://www.ziyonet.uz)).

**Научный руководитель:** **Алиев Махмуд Муслимович**  
доктор медицинских наук, профессор

**Официальные оппоненты:** **Акилов Хабибулла Атауллаевич**  
доктор медицинских наук, профессор

**Ибадов Равшан Алиевич**  
доктор медицинских наук

**Ведущая организация:** **Федеральное государственное бюджетное образовательное учреждение высшего образования «Санкт-Петербургский государственный педиатрический медицинский университет» Министерства здравоохранения Российской Федерации**

Защита диссертации состоится «\_\_» \_\_\_\_\_ 2019 г. в \_\_\_\_ часов на заседании Научного Совета DSc.27.06.2017.Tib.49.01 при Республиканском специализированном научно-практическом медицинском центре хирургии имени академика В.Вахидова и Ташкентской медицинской академии (Адрес: 100115, г.Ташкент, ул. Кичик халка йули, 10. Тел.: (+99871) 277-69-10; факс: (+99871) 277-26-42; e-mail: [cs.75@mail.ru](mailto:cs.75@mail.ru), Республиканский специализированный научно-практический медицинский центр хирургии имени академика В.Вахидова).

С диссертацией можно ознакомиться в Информационно-ресурсном центре Республиканского специализированного научно-практического медицинского центра хирургии имени академика В.Вахидова (зарегистрирована за №66). Адрес: 100115, г.Ташкент, ул. Кичик халка йули, 10. Тел.: (+99871) 277-69-10; факс: (+99871) 277-26-42.

Автореферат диссертации разослан «\_\_» \_\_\_\_\_ 2019 года.  
(реестр протокола рассылки №\_\_ от \_\_\_\_\_ 2019 года).

**Ф.Г. Назиров**

Председатель научного совета по присуждению ученых степеней,  
доктор медицинских наук, профессор, академик

**А.Х. Бабаджанов**

Ученый секретарь научного совета по присуждению  
ученых степеней, доктор медицинских наук

**А.В. Девятов**

Председатель научного семинара при научном совете по  
присуждению ученых степеней,  
доктор медицинских наук, профессор

## **ВВЕДЕНИЕ (аннотация диссертации доктора философии (PhD))**

**Актуальность и востребованность темы диссертации.** Среди причин массивных кровотечений из верхних отделов желудочно-кишечного тракта у детей внепеченочная портальная гипертензия (ВПГ) занимает ведущее место. Эффективный гемостаз консервативными мероприятиями при первом эпизоде кровотечения из варикозных вен пищевода и желудка может быть достигнут более чем в 90% наблюдений. Последующие попытки консервативной остановки гастроэзофагеальных геморрагий представляется довольно сложной задачей. Основным способом, ликвидирующим риск развития кровотечения, является хирургическое лечение, среди которых операции портосистемного шунтирования (ПСШ) у детей с ВПГ, направленные на снижение давления в системе воротной вены, являются методом выбора. Именно высокое давление в портальной системе является основой развития варикозных вен в пищеводе и желудке. Искусственно созданный сосудистый анастомоз (при условии его адекватного функционирования) обеспечивает оптимальную декомпрессию портального бассейна и устраняет угрозу кровотечения. По литературным данным, «ПСШ обеспечивает контроль кровотечения в 92-100% наблюдений и по эффективности существенно превосходит другие методы лечения портальной гипертензии (ПГ)»<sup>1</sup>. Однако, следует отметить, что «после ПСШ, наряду с возможным тромбозом или стенозом сформированного шунта, возникает риск развития таких осложнений как портосистемная энцефалопатия, снижение портальной перфузии, почечная и фуникулярная флебогипертензия с нарушением фертильности»<sup>2</sup>.

В настоящее время в мировой практике хирургической гепатологии целенаправленно проводятся множество исследований по изучению различных аспектов патогенеза развития внепеченочной формы ПГ. Особое внимание уделяется изучению особенностей ангиоархитектоники порочно развитой системы воротной вены, а также исследование системных и локальных гемодинамических параметров в условиях прогрессирования ПГ. Общеизвестные патофизиологические изменения в аномально развитой системе воротной вены объясняют лишь основные патологические проявления заболевания. Между тем, патологические состояния, сопутствующие ВПГ, заставляют предостерегаться от нежелательных осложнений, развивающихся после сложных сосудистых шунтирующих операций. Недостаточное осмысление основного заболевания, сопутствующих аномалий и пороков развития сосудов нередко становится причиной ошибок и без того сложного процесса лечения детей с внепеченочной блокадой воротного кровообращения.

На современном этапе развития отечественного здравоохранения проводится множество мер, направленных на улучшение результатов

---

<sup>1</sup> Lautz TB, Keys LA, Melvin JC, et al. Advantages of the meso-Rex bypass compared with portosystemic shunts in the management of extrahepatic portal vein obstruction in children. J Am Coll Surg 2013;216:83–9.

<sup>2</sup> Разумовский А.Ю., Рачков В.Е. Хирургическое лечение портальной гипертензии у детей. М. Мед. информ агентство. 2012. 178 с

диагностики и лечения заболеваний печени. На сегодняшний день одним из крупных достижений современной медицины в лечении детей с сосудистыми заболеваниями печени, несомненно, является внедрение неинвазивных методов визуализации не только портального русла, но и всего висцерального бассейна. В этом направлении, в частности, в улучшении качества диагностики и лечения детей с ВПГ, достигнуты положительные результаты. Это привело к более четкому подбору пациентов к тому и или иному типу шунтирующих операций в зависимости от распространенности тромбоза воротной вены и наличия сопутствующих аномалий. Вместе с тем для совершенствования системы оказания медицинской помощи требуются научно-обоснованные результаты, по оценке эффективности новых методов диагностики. «В стратегию действий по пяти приоритетным направлениям развития Республики Узбекистан на 2017 - 2021 годы поставлены задачи по развитию и усовершенствованию системы медико-социальной помощи уязвимым категориям населения для обеспечения их полноценной жизнедеятельности»<sup>3</sup>. Реализация данных задач, в том числе улучшение результатов хирургической коррекции ВПГ, путем оптимизации показаний и совершенствования тактико-технических аспектов ПСШ является одним из актуальных направлений.

Данное диссертационное исследование в определенной степени служит выполнению задач, утвержденных Постановлением Президента Республики Узбекистан «О мерах по дальнейшему развитию специализированной медицинской помощи населению Республики Узбекистан на 2017-2021 годы» за №ПП-3071 от 20 июня 2017 года, Постановлением Кабинета Министров за №266 от 10 мая 2017 года «Об организации деятельности научно-исследовательского института общественного здоровья и организации здравоохранения», а также других нормативно-правовых документов, принятых в данной сфере.

**Соответствие исследования приоритетным направлениям развития науки и технологий республики.** Диссертационное исследование выполнено в соответствии с приоритетным направлением развития науки и технологий республики VI «Медицина и фармакология».

**Степень изученности проблемы.** Операции ПСШ являются наиболее распространенными и эффективными методами хирургического лечения ВПГ у детей<sup>4</sup>. В последние годы в практике детских хирургов при лечении ВПГ стали шире применяться операции мезопортального шунтирования<sup>5</sup>. Однако, выполнение данной операции возможно в 30-50% случаев. Что касается мезокавального «Н»-шунтирования, кроме раннего тотального сброса портальной крови в системный кровоток, или так называемой полной депортализации печени, существенным недостатком также является

---

<sup>3</sup>Указ Президента РУз от 07.02.2017 г. N УП-4947 «О стратегии действий по дальнейшему развитию Республики Узбекистан». Сборник законодательных актов

<sup>4</sup> Рачков В.Е. Диагностика и хирургическое лечение портальной гипертензии у детей. Автореф. дис. ... докт. мед. наук. - М. – 2013. 47 с.

<sup>5</sup> Shneider BL, de Ville de Goyet J, Leung D, et al. Primary prophylaxis of variceal bleeding in children and the role of mesorex bypass – summary of the Baveno VI Pediatric Satellite Symposium. Hepatology 2016; 63: 1368–1380.

